

Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартриш ва бандлик бosh  
бошқармасидан рўйхатдан ўтказилган

Тошкент вилояти Туризм бошқармаси  
ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари  
касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси  
ўртасида  
2025-2027 йиллар учун тузилган

### ХУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ

Тошкент вилояти Туризм  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари

  
Х.Тошпўлатов

2025 йил "30" апрель  
02-10/17

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм  
ходимлари касаба уюшмаси  
Тошкент вилояти бирлашган қўмита  
расми



Тошкент вилояти камбағалликни  
қисқартриш ва бандлик бosh  
бошқармаси

Кирish № 02

2025 Y "21" ИЮН

Тошкент вилоят Туризм бошқармаси  
хайъат мажлисининг  
2025 йил "30" апрел 02-10/17-сон ҳамда  
Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари  
касаба уюшмаси  
Тошкент вилояти бирлашган кўмитаси Ижроия  
кўмитасининг  
2025 йил "29" апрел 17-11 99-сон  
қўшма қарорига  
1-илова

Тошкент вилоят Туризм бошқармаси  
ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси  
Тошкент вилоят бирлашган кўмитаси ўртасида  
ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2025-2027 йиллар учун  
**ХУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ**

### I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. Тошкент вилояти Туризм бошқармаси (бундан буён-**Бошқарма**) ва Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган кўмитаси (бундан буён-**Бирлашган кўмита**) ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида ходимларнинг меҳнат, иш хақи, уларнинг иш билан бандлиги ва ижтимоий кафолатлари борасида музокаралар олиб бориш, келишув ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқини тан олади ҳамда ушбу ҳудудий жамоа келишувининг тарафлари бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур Ҳудудий жамоа келишуви (бундан буён-**Келишув**) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида тузилган Бош жамоа келишуви (БЖК) ва бошқа қонун ҳужжатлар асосида амал қилиши ушбу келишувни тузган вакилларнинг ходимлари ва иш берувчиларига нисбатан татбиқ этилади.

Мазкур Ҳудудий жамоа келишуви **Бошқарма** ва унинг тизимидаги ташкилотларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартларини ва унга ҳақ тўлашни, тармоқ ходимлари учун ижтимоий кафолатларни белгилайди (МК 83-модда)

### II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3. Мазкур **Келишув** ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, уни бажариш тарафлар ва уларнинг тизимидаги барча ташкилотлар учун мажбурийдир.

4. Иш берувчилар ва касаба уюшмаси кўмитаси раислари ташкилотларда мазкур **Келишув**даги мажбуриятларни бажарилишини таъминлайдилар.

5. **Келишув** **Бошқарма** тизимидаги барча ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш учун асос бўлади ва ҳеч бир келишувнинг шартлари ходимларнинг аҳволини мазкур **Келишув**га нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас.

6. Тарафлар келишдики, жамоа шартномалари ташкилотларнинг барча иш берувчилари ва ходимларига ҳамда уларнинг вакилларига татбиқ этилади. Ушбу **Келишув** асосида, жамоа шартномалари қабул қилинади ва имзоланади.

7. Ҳудудий жамоа келишуви ва жамоа шартномаларини бажариш яқунлари ташкилотлар меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишларида (конференцияларида) ҳар йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади (БЖКнинг 97-банди).



8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддасига мувофиқ, касаба уюшма ташкилотлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қондаларига риоя этилишини текшириш ҳамда назорат қилишни амалга оширадilar. Касаба уюшмаси вакилларининг тизимдаги муассасаларда ушбу масала юзасидан фаолиятни олиб боришларига тўсқинлик қилинмайди.

9. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётга кенг жорий қилиш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

10. Бошқарма Бирлашган қўмитаси билан ҳамкорликда тизимдаги раҳбарлар, кадрлар бўлими мутахассислари, юридик хизмат ходимлари ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси раислари учун тизимли равишда меҳнат қонунчилигини бузилишларини олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларида тизимли равишда ўқув-семинарларни ташкил қилади.

11. Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

12. Тарафлар долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва Бошқарма вакиллари билан “Давра суҳбатлар”ни ташкил этади.

13. Тарафлар касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этадилар ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишида тўсқинлик қилмайдилар.

14. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Қорхоналарда меҳнатқашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига (1971 йилдаги), шунингдек «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (2016 йил 22 сентябрь ЎРҚ-410-сон) 31-моддасига биноан мазкур келишув мақсадларида ходимлар вакиллари деб қуйидагилар эътироф этиладилар ва ҳамкорлик қиладилар:

а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;

б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;

в) меҳнат низолари комиссиясининг касаба уюшмасидан сайланган аъзолари.

15. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги СҚ-231-III-сонли қарори ижросини сўзсиз таъминлайдилар.

16. Бошқарма ва Бирлашган қўмита билан ҳамкорликда тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарияти билан касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам кўрсатади.

Уларнинг бандларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг долзарб масалаларни киритилишига эришади ҳамда бажарилишини назорат қилади.

17. Тарафлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларини ходимнинг ёзма розилиги билан бухгалтерия орқали пул ўтказиш йўли билан тегишли касаба уюшмаси органининг ҳисоб рақамига ўтказиш тартибини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг кундузги бўлими талабалари, уч ёшгача боласини парваришлаш билан банд бўлган аёллар ва пенсионерлар аъзолик бадали тўлашдан озод этиладилар.

18. Тарафлар тизимдаги ташкилотлар учун ижтимоий – меҳнат, меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда ҳамкорлик қилади.



**19. Бошқарма** меҳнат, меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича Хайъат қарорларини, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Бирлашган қўмигага юборилишини таъминлайди ҳамда тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясига тааллуқли масалалар муҳокама этиладиган йиғилишларига Бирлашган қўмига вакилларини таклиф қилади.

**20. Бошқарма** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 45-моддасида белгилаб берилган “Иш берувчиларнинг ходимлар вакилларининг фаолиятини амалга ошириш учун шароитлар яратишга доир мажбуриятлари” талаблари бажарилишини таъминлайди.

**21. Бошқарма** «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунга биноан жойларда қасаба уюшма қўмиталарининг фаолият юритиш учун иш берувчилар томонидан шароит яратиб берилишини таъминлайди;

- қасаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахсларга қасаба уюшмаларига оид мажбуриятларини иш вақтида бажариши учун вақт бериши. Бунда қасаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлари миқдорининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

**22. Бошқарма** ҳамда унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси таркибига қасаба уюшмаси вакили киритилишини таъминлайди (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли комиссия таркиблари аниқ белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).

**23.** Тизим Ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳалари Бирлашган қўмига билан келишиб қабул қилинади.

**24. Бошқарма**да кадрлар ва уларга бўлган эҳтиёжнинг истикболли режаларини, кадрлар тайёрлаш ва сифатини ошириш, ёши, қўнимсизлиги, мавжуд мутахассисликлар бўйича етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда мониторинг ташкил қилиш ишларида қасаба уюшмаси вакилининг иштирокини таъминлайди.

**25. Тармоқда ижтимоий шерикликни таъминлаш учун:**

- Бирлашган қўмига раисини Бошқарма коллегияси аъзолигига киритилишини;
- Бошқарма вакили тармоқ қасаба уюшмаси ижроия қўмитаси аъзолигига киритилиши;
- тармоқ қасаба уюшмасининг Тошкент вилоят бирлашган қўмитаси раиси, Бошқарма нинг Тошкент вилоят бўлими коллегияси таркибига киритилиши;
- қасаба уюшма бошланғич қўмиталари, бирлашган қўмига раиси тегишли ташкилотларнинг бошқарув органларига киритилиши таъминланади.

Тарафлар томонидан бандликнинг беқарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига қўмаклашилади.

**26.** Қасаба уюшма ташкилотлари ўз устав фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш ҳуқуқига эга.

**27. Бошқарма** ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда янги ишга қабул қилинган ходимлар қасаба уюшма қўмитаси раиси томонидан суҳбатдан ўтади.

**28. Бошқарма** ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда иш берувчилар қасаба уюшмаси ташкилоти учун зарур иш шароитларини яратади, хона ва керакли жиҳозлар билан таъминлайди.

**29.** Тизимда call-марказ, “Ишонч телефонлари” ва Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар фаолиятини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмининг янада такомиллаштириш ишлари олиб борилади.

**30.** Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан тизимдаги барча ташкилотларда мониторинг олиб борилади.



31. Тизим ташкилотларида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шарҳот яратиш орқали меъёрний исгишни ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Тизимдаги иш берувчилар томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли конвенциясига мувофиқ, ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шарҳотлар яратилади.

32. Бошқарма тизимдаги малака ошириш институтлари ва Бошқарманинг ўқув дастурларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида таълим курсларини киритиш.

### III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

33. Ижтимоий шериклик тамойили асосида фаолият олиб боришда меҳнат шартномасининг мазмуни, уни тузиш ва бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ белгиланади. Меҳнат қонунчилигига кўра ходимнинг мазкур Келишув ва жамоа шартномаларида белгиланган ҳуқуқлари ва кафолатлари даражасини пасайтирадиган меҳнат шартномаси шартлари ҳақиқий ҳисобланмаслиги ва қўлланиши мумкин эмаслиги эътиборга олинади.

Олий, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифалари ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашилади.

Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида”ги 205-сон Тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

Ногиронлиги сабабли ногиронлиги бўлган шахс билан меҳнат шартномаси тузишни ёки ишда унинг юқори лавозимга кўтарилишини рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди. (МКнинг 425- моддаси).

34. Касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга - шу органининг розилигисиз;

ташкilot бўлималаридаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига -тегишли касаба уюшмаси органининг розилигисиз;

ташкilotдаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига - тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилигисиз интизомий жазо берилиши мумкин эмас.

Касаба уюшмалари органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахслар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдиндан олинган ҳолда йўл қўйилади, ташкilot касаба уюшмаси органининг раиси билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса бундан ташқари тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг шундай розилиги олинган тақдирда йўл қўйилади.

35. Ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ҳолда касаба уюшмаси органига сайлаб қўйилган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса, ўша ташкilotда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкilotда аввалгисига тенг бошқа иш берилади.

36. Касаба уюшмалари органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахслар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан



ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдиндан олинган ҳолда йўл қўйилади, ташкилот касаба уюшмаси органининг раиси билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса бундан ташқари тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг шундай розилиги олинган тақдирда йўл қўйилади.

37. Бошқармада тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётганида ногиронлар, вояга етмаган болалари бор аёллар ва пенсия ёшига яқинлашиб (уч йил ва ундан кам) қолган ходимларнинг иш жойи мумкин қадар сақлаб қолинади.

38. Касаба уюшмаси қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак, бундай хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

39. Иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини тузишдан аввал, уни (имзо қўйиш йўли билан) ташкилотнинг Низоми, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, ходимнинг меҳнат вазифаларига тааллуқли бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таништиради ҳамда меҳнат шартномасида ва жамоа шартномасида белгиланган мавжуд меъёрлар билан ҳамоҳанглигини таъминлайди (таътил, иш вақти ва бошқалар).

40. Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар меҳнат шартномаси асосида юзага келади. Танлов бўйича эгалланиши лозим бўлган лавозимни эгаллаш учун танловдан ўтиш натижасида шартнома асосидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар юзага келади.

Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки ташкилот уставида (низомида) назарда тутилган ҳолларда лавозимга тайинлаш ёки лавозимга тасдиқлаш натижасида меҳнат шартномаси асосида юзага келади.

41. Меҳнат кодексининг 129-моддасида кўрсатилган ходимлар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

42. Ходим Меҳнат кодексининг 136-моддаси талабига асосан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш сабаблари рўйхати ва бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари жамоа шартномаларида белгиланади.

43. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнат ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномаларига киритилади.

44. Бошқарма ва унинг тизимидаги иш берувчилар ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишлича Бирлашган қўмитага ёки тегишли касаба уюшмаси қўмитасига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади.

Ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари жумласига қуйидагилар киради:

а) ходимларининг сони йигирма нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотни (унинг алоҳида бўлинмасини) тугатиш;

б) ходимлар сонининг (штатининг) қуйидаги миқдорда:

ўттиз календарь кун ичида эллик нафар ва ундан ортиқ ходимнинг;

олтмиш календарь кун ичида икки юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг;

тўқсон календарь кун ичида беш юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг қисқариши.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорларни ушбу кечиктириш келтириб чиқарган йўқотишларни иш берувчига бир вақтнинг ўзида қисман ёки тўлиқ компенсация қилиш орқали олти ой муддатгача тўхтатиб туриши мумкин (МКнинг 98-моддаси).



45. Иш берувчи юридик шахсларнинг қайта ташкил этилиши, шунингдек Меҳнат кодексининг 144-модда иккинчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича ишдан бўшатиладиган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитилиши, малакасини оширилиши ва ишга жойлаштириш чорасини кўради.

46. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларнинг меҳнат шартномасини қасаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

47. Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра қуйидаги ҳолларда бекор қилинганда қасаба уюшмаси қўмитасининг розилиги талаб этилмайди:

- ташкилот (унинг алоҳида бўлинмаси) ўз муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига биноан тўғрилиги муносабати билан;

- меҳнат кодексининг 161-моддаси, иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан бирига кўра ташкилот раҳбари, алоҳида таркибий бўлинма раҳбари билан;

- ташкилот мулкдори ўзгарганлиги муносабати билан Меҳнат кодексининг 489-моддаси биринчи қисми 1-бандига мувофиқ ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва ташкилотнинг алоҳида бўлинмаси раҳбари билан.

48. Қасаба уюшмаси қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги масаласи бўйича қабул қилинган қарор ҳақида иш берувчининг ёзма тақдимномаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда иш берувчига хабар қилиши керак. Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин қасаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини қасаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли (Меҳнат кодексининг 164-моддаси).

49. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома қасаба уюшмаси қўмитасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2023 йил 23 май 9-5 сонли қарори билан тасдиқланган “Қасаба уюшмаси қўмитаси, органида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилиши таъминланади.

50. Ходимлар аттестациядан ўтказилиши бўйича қамада 2 ой олдин ёзма равишда имзо қўйдириб огоҳлантирилади, қамада 1 ой олдин назарда тутувчи қоидалар ва тахминий саволлар билан таништирилади. Аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом Бирлашган қўмита билан келишиб тасдиқланади.

#### IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

51. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ, Бошқарма тизимида иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади:

а) нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун - ҳафтасига 40 соат;

б) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соат;

в) I ва II-гурӯх ногирони бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соат;

г) 3 ёшгача боласи бор аёллар учун – ҳафтасига 35 соат.

Иш кунининг бошланиш ва тугаш вақти ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

Ногирон ёки бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимлар учун ҳам уларнинг аризаларига кўра қисқартирилган иш вақтлари белгиланади.

Иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан ташқари ходимларга иш вақтига киритилган танаффуслар Жамоа шартномаларида белгиланади.



52. Ноқудай меҳнат шартларидаги ишларда банд бўлган ходимлар рўйхати ва улар учун иш вақтининг 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати жамоа шартномаларида белгиланади.

53. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Хомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан хомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки онанинг бетоб аъзосини парвартиш қилиш билан банд бўлган ходимнинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилайди.

54. Ташкилотнинг ёки унинг алоҳида таркибий бўлинмаларининг, кейинчалик нормал ишлаши олдиндан қўйилмаган қайси ишларнинг шошилчи бажарилишига боғлиқ бўлса, ўша ишларни бажариш зарур бўлган тақдирда ходимларни дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этиш уларнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Шошилчи бажарилишига боғлиқ бўлган ишларнинг рўйхати жамоа шартномасида белгиланади.

55. Ходимга мазкур ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилди. (Меҳнат кодексининг 220-моддаси).

56. Давлат бошқаруви органлари ходимларига давомийлиги йигирма етти календарь кун бўлган ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилди, бундан давлат ходимларининг айрим тонфалари учун қонунда ҳар йилги асосий узайтирилган таътилни узоқроқ давомийлиги белгиланган ҳоллар мустасно (МКнинг 218-моддаси).

Қонунчиликда белгилангандан ташқари асосий ва қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган даврлар, таътилларни бериш вақти бўйича имтиёзлари, таътиллар муддати ва ҳақини тўлаш жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

Ҳар йилги меҳнат таътилларининг жадвали календар йил бошланишидан аввал иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра тасдиқланади.

57. Ходимлар МКнинг 229-моддасида кўрсатилган қуйидаги ҳолларда ҳар йилги меҳнат таътилини узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;
- хомиладорлик ва туғиш таътилининг муддати бошланганда;
- ҳар йилги меҳнат таътили ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;
- давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажараётганда, агар қонунчиликда бундай мажбуриятларни бажариш учун ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса;
- жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

58. Ҳар йилги асосий меҳнат таътилини ва битта ташкилотда ёки тармоқда кўп йиллик иш стажини учун қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи иш стажини МКнинг 226-моддасида белгиланган тартиб асосида жамоа шартномаларида белгиланади.

59. Биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи иш стажини МКнинг 226-моддасида белгиланган тартиб асосида жамоа шартномаларида белгиланади. Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ходимга ишлаган олти ой ўтганидан кейин юзага келади. Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ходимга ишлаган олти ой ўтганига қадар ҳам меҳнат таътили берилиши мумкин (МКнинг 227-моддаси).

60. Иккинчи ва кейинги иш йиллари учун ҳар йилги меҳнат таътили иш берувчи ва ходим учун мажбурий бўлган таътиллар жадвали билан белгилангандан ҳар йилги меҳнат таътилларини бериш навбатига мувофиқ берилди (МКнинг 228-моддаси).

61. Ходимларга қуйидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган қўшимча ижтимоий таътиллар берилди:

- фарзанд тутилганида отага икки иш куни;
- оила куриш муносабати билан уч иш куни;
- яқин қариндошларининг дафн маросимида уч иш куни.



Яқин қариндошлар деб ходимнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғил ва қизлари, турмуш ўртоғи, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳисобланадилар.

Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у календарь йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ошмаслиги керак.

**62.** Ходимга иш ҳақи қисман сақлангани таътил бериш ва унинг давомийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолда меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ҳал этилади. Ходимнинг унга бундай таътил берилишига розилиги иш берувчига ёзма ариза бериш орқали билдирилади.

Қисман ҳақ тўланадиган таътил даври навбатдаги меҳнат таътилини олиш учун ҳуқуқ берадиган иш стажига қўшилади.

Қисман ҳақ тўланидиган таътил даврида ходимга Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,2 бароваридан кам бўлиши мумкин эмас, унинг аниқ миқдори жамоа шартномаларида белгиланади.

**63.** Қўйидаги ходимларга уларнинг ҳоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилди:

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жихатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;
- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган ота-онасининг бирига (отанининг ўрнини босувчи шахсга), бувисига, бобосига ёки бошқа қариндошига;
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ нафар болани ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онасининг бирига (отанининг ўрнини босувчи шахсга) — ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача;

қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ходимларга (МК 242-моддаси).

## V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАР, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

**64.** Қўмита тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига асосан амалга оширилади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамоа шартномалари орқали тартибга солинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилиши таъминланади.

Иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ҳолатларда ушлаб қолишга йўл қўйилмайди.

Тизимда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишлари давом эттирилади.

**65.** Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан белгиланган тартибда ошириб борилади.

**66.** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 253-моддаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаслиги ва иш ҳақини ўз вақтида тўланиши учун ташкилот раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

**67.** Тизимдаги ташкилотларда иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ берилиши учун иш берувчи шахсан жавобгар ҳисобланади.

Қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-15 сонли “Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги қасаба уюшма органлари томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши



устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби” тўғрисидаги Раёсат қарорига кўра иш олиб борилади.

**68.** Бир йўла бир неча касба (лавозимда) ишлаганлик, ўриндошлик асосида ишлаганлик учун, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

Иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўймаслик чоралари кўрилади.

Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга оширилади. Тизимдаги бюджет ташкилотларда шунингдек хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига мутаносиб равишда меҳнат ҳақи миқдори оширилиши инobatта олиб борилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллار қўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобюджет ташкилотларининг жамоа келишувлари ва шартномаларида назарда тутилиши мумкин.

Зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иктисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом” талаблари тadbик қилинади.

Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилиши таъминланади.

Адлия вазирлигидан 23.01.2019 йилда 3130 рақам билан рўйхатдан ўтган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талабларини тadbик қилинади.

**69.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

**70.** Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш.



71. Касаба уюшмаси ходимларга берилиши лозим бўлган иш ҳақини Меҳнат кодексига ва жамоа шартномасида белгиланган муддатларда тўлиқ ҳажмда тўлаши устидан тизимли жамоатчилик назоратини олиб боради.

72. Бахтсиз ҳодисалар ва фавкулотдаги вазиятлар натижасида зарар кўрган ходимларга, ташкилотнинг молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

73. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин. Унинг меъёри жамоа шартномаларида белгиланади.

74. Ходимларга шифохоналарда даволанишлари ва дори-дармон харажатлари учун жамоа шартномасида белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

75. Ходимларга қиш мавсумига тайёргарлик кўришлари учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишлари учун касаба уюшмаси органи таклифига биноан моддий ёрдам кўрсатилади.

76. Иш берувчи томонидан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафакалар қуйидаги ходимларга ойлик иш ҳақининг юз фоизи миқдорида тўланади:

1941 - 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга,

- Қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёшга) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга,

- Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга,

- Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз),

- қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга,

- ядро полигонларида ва бошқа радиация - ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ҳамда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳат олган ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларга.

Ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, ОИТС, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) билан касалланган ходимларга меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳақининг

100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг

80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ходимлардан ташқари қолган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сагир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.



Пандемия даврида бирор бир инфекция билан касалланганда ходимларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли фармонида асосан ўртача ойлик иш ҳақининг 100%ни миқдоридан нафақа тўланади.

Карантин қондалари кучайтирилганда ходимлар иш берувчилар томонидан иш ҳақи қисман сақлаб қолиниб мажбурий таътил берилишига йўл қўйилади. (СҚ 374-модда 2-банд)

Масофавий ишда ишловчи ходим иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир барабар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади. Бунда ходимга нисбатан иш вақтидан ташқари иш, дам олиш ва байрам кунларидаги иш, шунингдек тунги вақтдаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилмайди.

Жамоа шартномасида, ички ҳужжатда, меҳнат шартномасида назарда тутилган ходимларнинг бошқа тоифалари ҳам вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтиш ёки ўтказиш учун устувор ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. (МКнинг 458-моддаси)

77. Иш берувчи ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалар бўйича тўловларни тўлашни кафолатлайди.

78. Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида” Қонунига мувофиқ, ходимнинг ёки унинг қарамоғидаги оила аъзосининг вафоти сабабли иш берувчи томонидан ходимга ёки унинг оила аъзоларига дафн этиш харажатларини қоплаш учун белгиланган тартибда нафақа берилади.

79. Ўзбекистон Республикаси ичидаги хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низом”га, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 287-моддасига асосан қопланади.

#### 80. Ходимга:

- иш сайёр ва кўчиб юриш хусусиятига эга бўлганда, шунингдек дала шароитларида ва вахта усулида ишланганда МКнинг 288-моддасига асосан;
- бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтганда МКнинг 289-моддасига асосан;
- иш берувчининг йўлланмаси бўйича ходимнинг касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва стажировкадан ўтиши бошқа жойга кўчишни талаб қилса МКнинг 290-моддасига асосан;
- иш жараёнида ходимга тегишли ёхуд унинг томонидан учинчи шахслардан ижарага олинган мол-мулкдан иш берувчининг розилиги билан фойдаланилганда МКнинг 293-моддасига асосан, компенсация тўланади.
- меҳнат шартномаси бекор қилинганда МКнинг 173-моддасида кўрсатилган ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.
- ишдан бўшатиш нафақаси миқдорини белгилаш учун иш стажига иш берувчининг таклифи билан ишга кирган ходимларнинг аввалги меҳнат қилган ташкилотда ишлаган вақти ҳам ҳисобга олинади.

81. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

82. Ходимларга иш тақсимоти, ходимларнинг фаолиятидаги ютуқлар учун қўшимча мукофот тўловларини режалаштиришда касаба уюшмаси кўмиталари вакилларининг иштироки шарт.

83. Ходимларнинг ишга келиб-кетиш транспорт харажатлари ҳамда тушлик харажатлари иш берувчи томонидан ҳар ойда қисман қопланиши мумкин.

84. Ишлаётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, тарафлар жамоа шартномалари орқали ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар:



- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" ни амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама қўмаклашиш;

- кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

85. Иш берувчилар асосий ишидан озод этилмаган касаба уюшмаси кўмитаси аъзоларига, юқори касаба уюшмаси органлари томонидан ташкил этиладиган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини муассаса ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

Жамоавий музокараларда иштирок этадиган ходимларнинг вакиллари билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан ушбу музокаралар олиб борилаётган даврда интизомий жазо қўллашга ёки уларни бошқа ишга ўтказишга касаба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олмасдан йўл қўйилмайди.

## VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

86. Ходимлар меҳнат вазифаларини меҳнат шартномалари ва ички меҳнат тартиби қондаларига риоя қилган ҳолда бажардилар.

87. Ўз меҳнат вазифаларини тўла ва сифатли бажарган ходимларга:

- ташаккурнома изҳор қилиш;
- қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлик билан тақдирлаш;
- ташкилот тизимидаги турли номинациялар бўйича унвонлар бериш;
- давлат мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантирилади.

88. Меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жазоларни қўллаш, белгиланган муддатлар ўтиб кетгандан сўнг йўл қўйилмайди.

89. Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

90. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

## VII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

91. Тарафлар Келишувни бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Бахслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

92. Якка тартибдаги меҳнат низолари "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 12.01.2015 йилдаги 20-66 "с"-сонли ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 15.01.2015 йилдаги 01-СП-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган "Якка меҳнат низолари комиссиялари фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар" асосида ишлаб чиқилган низом асосида кўриб чиқилади.

93. Кўмитадаги касаба уюшмаси вакили:

- касаба уюшмалари иш берувчи томонидан меҳнат муносабатларига тааллуқли қонунлар ва талабларига риоя этилишини назорат қилиб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритади;

- ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризалари билан судга мурожаат қиладилар;

- ходимларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли жавоб берадилар.

## VIII. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИ



94. Мехнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш;

- Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича икки томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган мехнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда мехнат шартларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш;

- Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда тармоқ ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган мехнат шартлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда ўрганишни амалда кенг қўллаш. - тизимдаги ташкилотларда мехнатни муҳофаза қилишга онд талабларга риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

- Мехнат шартини ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини мехнат шартлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ иш жойларини аттестация қилиш натижаларига кўра 3 кундан 24 кунгача ҳақ тўланадиган қўшимча мехнат таътили берилади;

- Ходимларнинг мехнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш;

95. Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича икки томонлама комиссиясининг ваколати доирасида жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

- ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан мехнат шартлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

- корхона, ташкилот ва муассасаларда мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тизимини таъминланиши;

- иш ўринларида мехнат шартларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

- ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача мехнат шартларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг мехнат шартлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

- дастлабки тарзда (ишга қираётганда) ва даврий (мехнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

- иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

- ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши, ҳамда уларга мехнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, мехнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;



- ходимлар белгиланган нормалар бўйича суг, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув, шахсий химоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек жамоавий химоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

- ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

- меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

- ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

- меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш, ва уларни малакасини доимий равишда ошириб бориш, ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камидан икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Вакил меҳнат шароитини яхшилаш ва ходимлар манфаатларини химоя қилишдаги сидқи дил меҳнати учун маънавий ва моддий (ташкilotда меҳнат муҳофазасига ажратиладиган маблағ ҳисобидан) рағбатлантирилади.

**96.** Шунингдек, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссияси томонидан қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим:

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини тасдиқлаш, уни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан икки томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш;

Ҳар йили 28 апрель “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”га бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкilotларда нишонланишини ташкил этиш.

Халқаро меҳнат ташкilotининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан ташкilotий-ҳуқуқий шаклидан катъий назар барча ташкilotларда мониторинг олиб бориш.

## **IX. ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАР, ИЖТИМОЙ ХИМОЯ**

**97.** Меҳнат таътили даврида ходимлар учун Республикадаги санаторий ва дам олиш масканларида, ёзги таътил даврида ходимларнинг фарзандларини болалар дам олиш оромгоҳларида иш берувчи ҳисобидан соғломлаштириш ва дам олдириш ишлари ташкил қилинади.

**98.** Иш берувчи молиявий имкониятидан келиб чиқиб кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга соғломлаштириш учун бепул йўлланмалар ажратади.



99. Иш берувчи томонидан ўзининг балансида бўлган ижтимоий объектлар фаолиятини янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш учун сарф-харажат сметаси асосида маблағ ажратилди.

100. Ходимлар ва уларнинг онла аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмалар, бошлангич касаба уюшма кўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ижтимоий солиқ тушумларидан ва касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг соғломлаштиришга ажратилган миқдорига мувофиқ равишда берилди.

#### 101. *Ҳамкорликда:*

1. Бошқарма тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни кўнимлилигини таъминлаш борасида доимий рағбатлантириб бориш, соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш.

2. Ташкилотларни малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, самарали меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва етарлича шарт-шароитлар яратиш орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш.

3. Ходимларни соҳага онд илғор тажрибага эга хорижий давлатлар билан мунтазам тажриба алмашиш мақсадида:

- соҳа вакилларини халқаро лойиҳаларда иштирокини таъминлаш орқали тажриба алмашиш тизимини жорий қилиш;

- туризм соҳаси йўналишидаги олийгоҳларнинг талабаларини илғор тажрибага эга хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юрғларида ўқув амалиётини ташкил этиш борасида ўзаро меморандум имзолашга эришиш.

4. Кўп йиллар мобайнида меҳнат қилиб, юртимизнинг туризм салоҳиятини оширишга ва тарғиботига улкан ҳисса қўшган Устоз ва фахрийларни:

- Давлат мукофотларига тавсия этиш;
- тизимдаги ўқув юрғлари талабаларидан ташкил топган кўнгиллик –волонтёрларни жалб этган ҳолда яққа-ёлғизлардан хабар олиш, туғилган кун ва соҳа байрамларида уларга эсдалик совғалари бериш, маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш;

- юртимиз зиёратгоҳларига саёхатлар уюштириб “Фахрийлар поездлари” ни ташкил этиш;

- шифохона ва сихатгоҳларда даволанишлари ва дори-дармон харажатлари учун жамоа шартномасида белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш;

- Тармоқ тизимидаги Олий таълим муассасаларида мунтазам равишда соҳа мутахассислари иштирокида ёшлар билан давра суҳбатлари ташкил этиш.

- Тадбирларни ОАВда кенг оммага ёритиб бориш.

5. Умумхалқ ва касб байрамларини, хусусан, 27 сентябрь - “Халқаро туризм куни”, 21 февраль - “Халқаро гидлар куни” ва 11 ноябрь. “Ўзбекистон касаба уюшмалари куни”ни нишонлаш ва эсдалик совғалар билан тақдирлаш.

6. Ички туризмни ривожлантириш борасида Ўзбекистон Темир йўллари ва Ўзбекистон ҳаво йўллари транспорт чипталар нарҳини Ўзбекистон фуқаролари учун пасайтириш.

7. Чет эллик сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида Сайёҳлик агентликлари орқали юртимизнинг тарихий объектлари ва диққатга сазовор жойларини тарғибот-ташвиқот (реклама) ишларини амалга ошириш.

8. Юртимизнинг бой маданияти ва санъатини намоён этадиган халқаро фестиваллар ташкил этиш орқали юртимизга кириб келаётган сайёҳлар кўламини кенгайтириш.



## **АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР**

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

**102.** Аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунарига мувофиқлиги нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар бериш.

**103.** Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

**104.** Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш,

хотин-қизлар учун саёҳатларини ташкил этиб бориш;

узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойсиз ссудалар бериш.

аёлларга малака ошириш ва қўшимча таълим олиш учун имкониятлар яратиб бериш;

тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш ўринларига ўтказиш;

ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш, агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса;

**105.** Касаба уюшма қўмитаси аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиги муҳофазаси бўйича ижтимоий дастури бажарилишида иш берувчига яқиндан ёрдам беради.

**106.** Тизимдаги муассасалар фаолиятида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида тарафлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида” ги 138-сонли ва “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида” ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

- «Ёш оила» вакили бўлган ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.

**107.** Иш берувчининг мажбуриятлари:



- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш;

- касб-ҳунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни Қўмига тизимидаги ташкилотлар фаолиятига жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш.

**108.** Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини ва иш жойларида мосланишини назоратга олади.

**109.** Узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чакируви захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойзсиз судалар берилишига иш берувчи кўмаклашади.

**110. Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари:**

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини химоя қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида мавжуд ҳуқуқий-норматив базадан фойдаланиш;

б) ёш йнгит-қизларни касаба уюшмаси фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини назорат этилишига юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб қилишга кўмаклашиш;

г) касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш;

д) ёш ходимларнинг иш жойларида мақбул шароитларини таъминлаш бўйича иш олиб бориш.

**111.** Мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар бир меҳнат жамоасида “Устоз-шогирд” тизимини жорий этилади. Бундай ҳолатда, таълим муассасасини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктириш.

**112.** Олий, ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий химояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга ҳар томонлама кўмаклашилади.

**113.** Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаби юқори бўлган касблар бўйича мутахассисларни тайёрлаши, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириши, ёш мутахассисларни ўз иш ўринларида қўнимлилигини иш берувчи таъминлайди.

**XI. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ, МЕХНАТКАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ**

**114.** Мазкур масалаларда тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

- ҳар бир ташкилотда “Маънавият ва маърифат хонаси” ни ташкил этиш ва уни адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар билан таъминлаш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадий ҳаваскорликни янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун тарихий обидаларга саёхатлар, театр, концерт ва музейларга ташрифларини уюштириш;

- рағбатлантириш сифатида тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг камида 10 фойзини оила аъзолари билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юборишни назарда тутадиган ходимларнинг жамоавий ва оилавий дам олишини ташкил қилиш;

- ходимлар, айниқса ёшларни маънавий-маърифий, гоъвий-мафкуравий дунёқарашини янада ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини



тақомиллаштиришни мақсадлида, турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиб бориш;

- ходимларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлиқ тадбирларни қасаба уюшма қўмитасининг тавсияси асосида ташкил этиш;

- тизим ташкилотларида ойнинг бир шанба кунини “Спорт-саломатлик куни” деб эълон қилиш ва **Иш берувчи** билан ҳамкорликда ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўғарақларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш;

- ходимларга меҳнат қонунчилигига мувофиқ улар учун қулай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш кунлари (отгул) бериш;

- қасаба уюшмаси фаолларни қасаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитиш;

- умумхалқ ва касб байрамларини, хусусан 27 сентябрь - “Халқаро туризм куни” ва 11 ноябрь “Қасаба уюшмалари куни”ни нишонлаш, байрам муносабати билан касб маҳорати, спорт ва бадний ҳаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар уюштириш;

- ходимга дам олиш учун эмас, балки бошқа мақсадларда бериладиган, ходимни меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этиш даврлари жамоа шартномаларида белгиланади (МКнинг 202-моддаси).

Ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг I фозиз миқдоридagi маблағни маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт тадбирлари, Республика ҳудудидаги тарихий қадамжоларга саёҳатлар ташкил этиш, концертлар, театрларга чипталар ва истироҳат боғларига таклифномалар харид қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, рағбатлантириш, **Қасаба уюшмаси** қўмитасининг штатдаги ходимларига қўшимча ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадлар учун иш берувчининг молжавий имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

**115.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармонида асосан жамоа шартномаларида:

- иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариш учун иш вақтидаги киритиладиган махсус танаффуслар белгилаш тартибини жорий этиш;

- иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш;

- иш вақтидан сўнг (хафтада камида бир марта) тизимдаги меҳнат жамоаларида раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулоти (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишни ташкил этиш белгиланади.

**116.** Иш берувчи ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини амалга ошириш мақсадида маблағлар ажратади.

**117.** Бирлашган қўмита томонидан ташкил этиладиган “Энг намунали бошланғич ташкилот” вилоят ва республика кўрик-танловида тизимдаги ташкилотлар иштирокини таъминлайди.

**118.** Бошқарма ва унинг тизимидаги ташкилотларда иш берувчилар “Ишонч” ва “Ишонч-доверие” газеталарига обуна бўлишда қасаба уюшмасига қўмаклашади.

## **XII. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА УНИ БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**



119. Мазкур келишув 2025-2027 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилинганга қадар амалда бўлади. Шу вақт давомида унга қўшимча ва ўзгартиш киритишга тарафларнинг келишуви асосида йўл қўйилади. Тарафларнинг мулкдори алмашганда, қайта ташкил этилганда, номи ўзгарганда Келишув ўз кучини сақлаб қолади.

120. Ушбу келишув **Бошқарма Бирлашган қўмита** ўртасида имзоланганидан сўнг, **Вазирлар Маҳкамасининг** 2024 йил 14 ноябрдаги 758-сон қарори билан (1-илова) “Жамоа келишувларини хабардор қилиш тартибида рўйхатга олиш тўғрисида Низом”да кўрсатилган тартибда Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасига билдириш рўйхатидан ўтказиш учун 7 кунлик муддат ичида тақдим этилади.

121. Келишув Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасига билдириш рўйхатидан ўтказилганидан сўнг икки ҳафта ичида унинг нусхасини Қўмитанинг барча таркибий тузилмаларига жамоа шартномаларига мувофиқлаштириш мақсадида жўнатади.

122. Келишув талаблари бажарилмагани аниқланган тақдирда уни имзолаган шахсларга ёзма равишда маълумотлар тақдим этилади. Ёзма равишда киритилган маълумотлар комиссия томонидан икки ҳафта ичида муҳокама этилиб, сўнгра тегишли қарор қабул қилинади.

123. Келишувнинг бажариллиши якунлари тўғрисидаги маълумотларни келишув комиссияси аъзолари тайёрлайдилар ва йил якуни бўйича **Бошқарма** ҳамда **Бирлашган қўмитанинг** қўшма йиғилишида муҳокама қилинади.

124. Ушбу Келишув уч нусхада тузилган бўлиб, **Бошқарма**, **Бирлашган қўмита** ҳамда Тошкент вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармасига бир нусхадан берилади ва унинг шартлари ўзаро ёзма розиликсиз ошкор қилинмаслиги лозим.

125. Ушбу Келишувдан фақат хизмат доирасида фойдаланилади.



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА  
ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БИРЛАШГАН ҚЎМИТА ИЖРОИЯ  
ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚЎШМА ҚАРОРИ**

**Тошкент вилояти Туризм бошқармаси билан Ўзбекистон маданият, спорт ва  
туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмиата ижрония  
қўмитаси ўртасида  
2025-2027 йилларга мўлжалланган Худудий жамоа келишувини тасдиқлаш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Туризм қўмитаси билан Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2025-2027 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишуви асосида, тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг тўлиқ фаолият кўрсатиши, соҳа ходимларининг юқори ижтимоий-иқтисодий, моддий фаровонлиги ҳамда меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларига риоя қилиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти Туризм бошқармаси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмиата Ижрония қўмитаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент вилояти Туризм бошқармаси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2025–2027 йиллар учун тузилган Худудий жамоа келишуви **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент вилояти Туризм бошқармаси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2025–2027 йиллар учун тузилган Худудий жамоа келишуви бажарилишини назорат қилувчи комиссия таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Тошкент вилояти Туризм бошқармаси бошлиги ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси раиси мазкур худудий жамоа келишуви асосида:

**икки ҳафта** муддатда Тошкент вилояти Туризм бошқармаси таркибидаги ашкилотларда жамоа шартномаларини тузиш ҳамда маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмиата хизматига тишларини амалга оширсин.

Тошкент вилояти Туризм бошқармаси тизимидаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчисига:

Худудий жамоа келишувида белгиланган бандларнинг тўлиқ бажарилишига **ишиш**;

муассаса ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномаларини жамоа келишуви билан мувофиқлигини таъминлаш;

4. Худудий жамоа келишуви бажарилишини назорат қилувчи комиссия зиммасига: ташкилот ва муассасаларда Худудий жамоа келишуви билан жамоа шартномаларнинг мувофиқлигини, жамоа шартномаларнинг охириги тавсия қилинган намуналарга мослигини ҳамкорликда йил давомида ўрганиб бориш ва қатъий назоратга олиш; жамоа шартномаларининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан ҳамкорликда мониторинг ўрнатиш ва ушбу масалада маълумотлар алмашиш;

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти нодавлат муассасаси томонидан қасаба уюшмаси кадрлари ва фаолларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича жалб қилинувчи ходимларга етарли шароитлар яратиш;

ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларни Бошқарма, Кўмита ва Республика кенгаши веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

мазкур келишув тарафлар томонидан имзолангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармасига қарашли Тошкент вилояти бошқармасидан рўйхатдан ўтказиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Тошкент вилояти Туризм бошқармаси бошлигининг ўринбосари Юлдашев Абдуқодир Чорневич ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган кўмита мутахассиси Р.Абдуллаевалар зиммаларига юклатилсин.

Тошкент вилояти Туризм  
бошқармаси бошлиги  
Х.Тошпулатов

Нурафшон ш.,  
2025 йил "20" апрел,  
02-10/17-сон

Ўзбекистон маданият, спорт  
ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси  
Тошкент вилояти бирлашган кўмита  
ранси

Р.Тожибоев  
Нурафшон ш.,  
2025 йил "20" апрел,  
17-11/04-сон

Тошкент вилояти туризм бошқармаси  
Хайъат мажлисининг  
2025й. “ 30 ” апрелдаги 02-10/17-сон  
хамда

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм  
ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят  
бирлашган кўмитаси Ижроия кўмитасининг  
2025й. “ 24 ” апрелдаги 17-11/10-сон  
кўшма қарорига  
2-илова

Тошкент вилояти Туризм бошқармаси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят Бирлашган кўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Худудий жамоа келишувининг бажарилишини назорат қилувчи комиссия

### ТАРКИБИ

1. Курбанбаева Зебиниса Шинполатовна - Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича бош мутахассис
2. Маликов Равшанхон Нуриддинович - Бош юристконсулт.
3. Ширинов Дилшоджон Абдинабиевич - Бош ҳисобчи

1. Абдуллаева Рисолат Юлдаш қизи - Бирлашган кўмитаси мутахассиси
2. Исхакова Шахло Мунаваровна - Бирлашган кўмитаси бош бухгалтери
3. Отабоева Наргизахон Рашидовна - Нурафшон шаҳар 12 сонли Болалар мусика ва санъат мактаби кадрлар бўйича инспектор

**Изоҳ:** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.